

# 2021 йил – ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҚАМЛАШ ЙИЛИ

# Ishonch

Юрт таракқиёти йўлида бирлашайлик!

2021 йил  
5 январь  
сешанба  
№ 4  
(4444)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Бунёдкорлик

## ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ МАСКАН...

ПОЙТАХТИМИЗДА ЯНГИ СИҲАТГОҲ – «ЧИНОБОД ПЛАЗА» САНАТОРИЙСИ ИШ БОШЛАДИ

«Чинобод плаза» сиҳатгоҳи фаолияти билан Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги санаторийлар сони яна биттага ортди.

Санаторий очилишини газетада ёритиш учун айрилган манзилга эртарақ бордик. Санаторий атрофида одам кўп эди. Замонавий қилиб қурилган беш қаватли бино кўпчилигининг эътиборини тортаётгани, бир муддат тўхтаб, унинг қандай иншоот эканига қизиқётгани билиниб турарди. Қишнинг чилласи. Кун совуқ. Аммо муҳташам иншоотнинг кўрки қалбга илиқлик олиб кираётгандек. Мана беш-олти киши аллақачон селфи тушишга киришиб кетди... Шунда тўпланганлар ичидан кимдир айтиб қолди: олтин узукка бриллиант кўз кўйгандек бўлибди...

Ҳақиқатдан ҳам, диққатни тортадиган, маҳлиё бўладиган, фониди суратга тушадиган гўзал маскан бўлиб қад ростлаган ва очилиши кутилаётган муҳташам санаторийнинг замонавий биноси кўзни қувнатди.

2 >



## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАИСИ ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВНИНГ «ЧИНОБОД ПЛАЗА» САНАТОРИЙСИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИРДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар! Муҳтарам устозлар! Қадрли меҳмонлар!

Авваламбор, барча-барчангизни кириб келган Янги – 2021 йил билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсизлар! Бугунги тадбиримизда қимматли вақтларини аямасдан ташриф буюрган барча меҳмонларимизга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис палаталари, республика ҳукумати, Тошкент шаҳар ва Юнусобод тумани ҳокимликлари, барча вазирликлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари, ҳудудий бирлашмалари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарларига ўз миннатдорчилигимизни билдираман.

Хурматли дўстлар!

Бутун инсоният учун ўта синовли, оғир ташвишларга бой бўлган 2020 йил ҳам поёнига етди. Тарих зарварларига улкан йўқотишлар йили сифатида ёзилиб қоладиган бу йилни халқимиз муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг қатъий иродаси, узоқни кўра билиши, донолиги боис кам талафотлар билан ўтказди. Ўзбекистон аҳли ўз Йўлбошчиси атрофида жипслашиб, бу синовлардан мардонвор ўтиб олди, десак муболага бўлмайди. Президентимизнинг халқни ўйлаб олиб борган сиёсати туфайлигина шундай оғир шароитда ҳам юртимизда барча тармоқларнинг узлуксиз ишлашига эришилди, аҳолининг ижтимоий барқарорлиги сақлаб қолинди. Шу билан бирга, халқимизнинг муносиб турмуш кечириши, саломатлигини тиклаши учун кўлай шароитлар яратиш бўйича бошланган ишларнинг давом эттирилгани ҳам ташхисга лойиқдир.

Албатта, алғов-далғовли, «урхо-ур» авжига чиққан бугунги нотинч ва бедор замонада ширин тилаклар айтиш, ёруғ орзулар рўёбини кўриш ҳар қачонгидан ҳам қимматлироқдир. Негаки, ҳар қандай оғир дамда ҳам одам қалби ёруғликка, эзгуликка ташна бўлади. Ўйлайманки, бугунги машаққатли ва синовли кунларимизда йўлимизни ёритадиган, дилларимизга умид ва собит ишонч бахш этадиган муваффақият ва галабаларимиз бисёр экани албатта қувонарлиқдир.

Қаранг, шундай оғир шароитга қарамай, 2020 йилда юртимизда қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ер усти метроси, ўнлаб завод ва фабрикалар, касалхоналар,



мактаб-у боғчалар, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳалла гузарлари... Буларни санаб адоғига етиш қийин. Энди айтинг, булар ўз-ўзидан бўладими?

Калбида Ватанига, миллатига ва шу мўътабар тупроққа муҳаббати қайнаб тошган, эл-юртини жонидан ортқ севадиган инсонгина шундай улкан ишларга қодир бўлади.

Хусусан, бугун биз сизлар билан тантанали очилиш тадбирига йиғилганимиз «Чинобод плаза» санаторийси ҳам чин маънода муҳтарам Юртбошимизнинг шу заҳматкаш халқимизга янги йил совғасидир. Халқимизнинг бахти ва иқболи ҳам шундаки, Яратган бизга шундай Йўлбошчини берди. Аллоҳдан дуо қилиб сўраймики, Ўзбекистоннинг бу сардорига ҳеч қачон кўз тегмасин!

Давлатимиз раҳбарининг шу йил ўқи-

тувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишдаги топшириқлари, қабул қилинган Фармонларига биноан ушбу янги санаторийнинг биринчи дам олувчилари халқимизнинг энг хурматли фарзандлари – устоз ва мураббийлар, илм-фан, маданият соҳаларида узоқ йиллар она юртимизга сидқидилдан ҳалол меҳнат қилиб келаётган нурунийларимиз, бир сўз билан айтганда, дуолари Аллоҳга етиб борадиган инсонлар бўлишпти. Биз бугун юз нафардан ортқ ана шундай азиз инсонларни тақдир этдик. Уларнинг ҳар бирига муҳтарам Шавкат Миромоновичнинг қизгин саломлари ва хурматларини етказганимдан бағоят хурсандман.

Дарҳақиқат, элнинг улуғларидан дуо оласак, бошлаган ишларимиз унумли ва баракали бўлади.

Азиз меҳмонлар! Энди бу маскан ҳақида ҳам бир-икки оғиз гапирсам. Ушбу сиҳатгоҳ фаолияти асосан ошқозон-ичак касалликлари, ортқ тана вазнининг ошиши (метаболик синдром), қандли диабет, ошқозон ости беши касалликлари, ўт қоғи яраси ҳамда жигар касалликларини даволаш ва профилактика қилишга мўлжалланган. Афсуски, кейинги йилларда аҳоли орасида бу каби касалликларнинг ортиши ишчи ва хизмат-

чилар орасида меҳнат унумдорлигининг пасайишига ҳамда вақтинчалик ва қатъий меҳнат лаёқатининг йўқотилишига сабаб бўлмоқда.

Республикамиздаги ушбу касалликларни даволашга йўналтирилган биргина «Чинобод санаторийси» аҳолининг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини қондира олмай қолган эди. Шу боис, 2018 йилнинг иккинчи чорагида мазкур санаторийни қуришга қарор қилдик.

Мазкур дам олиш маскани энг замонавий диагностика даволаш ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, даволанувчиларга махсус тайёрлардан ўтган 113 нафар юқори малакали мутахассис хизмат кўрсатади.

Фурсатдан фойдаланиб, шундай синовли йил бўлишига қарамай кунни тунга улаб меҳнат қилган курувчиларимизга сизларнинг номларингиздан ўз миннатдорчилигимизни билдирсак.

Илоҳим, фидойи ва заҳматкаш бунёдкорларимиз ҳамisha соғ бўлишсин! Уларга бундан кейин ҳам халқимиз равнақи йўлида улкан ишларни рўёбга чиқаришда куч-қувват тилаб қоламиз.

Азиз дўстлар! Қадрли меҳмонлар!

Юқорида айтганимиздек, бутун дунё аҳли учун оғир келган бугунги кунларда мана шундай давралар қуриб, дилдаги ёруғ тилак ва ниятларни бир-биримизга улашиб туришимизнинг ўзи ҳам катта бахтдир!

Қолаверса, қанчалик оғир бўлмасин, барча соҳаларда шаҳдам олға интилаётган Янги Ўзбекистонимизнинг шаъни ва шавкати дунё тоқида янги чиққан ойдек тобора ёрқин балқиб кўзга ташланаётгани саодатли кунларимизнинг нишониси, дегим келади.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизни яна бир бор Янги – 2021 йил билан муборакбод этаман. Фаолиятини бошлаётган бу шифо маскани элимизга узоқ йиллар хизмат қилсин. Бундай қурилиш-бунёдкорликлар, хурсандчиликлар юртимизнинг ҳар бир ҳудудида давом этсин. Халқимизнинг азм-у шижоатига, гўзал ва бетакрор, азиз ва мўътабар Ўзбекистонимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!

Шу азиз халқи учун жонини фидо қилиб юрган фидойиларимиз, энг аввало, муҳтарам Юртбошимизга Аллоҳнинг Ўзи мададкор бўлсин!

Эътиборларингиз учун раҳмат!



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 4 январдан қисқа муддатли меҳнат таътилига чиқди. Давлат раҳбарининг таътили Ўзбекистон ҳудудида ўтказилиши режалаштирилган.

Покистон Ислום Республикаси «National Herald Tribune» газетасининг 2020 йил 25 декабрь кунги сонидида Покистоннинг Панжаб университети ҳамда Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига бағишланган мақола чоп қилинди.

Пандемия шароитида республика аҳолисининг тўлов қобилияти пасайганини ҳисобга олиб, фарзанди давлат олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиётган оилаларга энгиллик яратиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий ўқув йилидаги амалдаги тўлов-контракт миқдорлари ўзгарисиз сақлаб қолинади.

«Ўздавқарантин» ҳамда «Росселхознадзор» хизматлари ўртасида олиб борилган музокараларнинг натижаларига кўра, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб Россияга Фарғона вилоятидан қурилган махсулотлар экспортга рухсат берилди.

Тошкент шаҳар Олмазор туманида янги – «Riviera» кинотеатри иш бошлади.

Форишда IT park маркази очилди.



## Аср кўпригига тамал

Мазкур янги иншоот йилига 150 миллиард сўм иқтисод қилинишига ҳам хизмат қилади

Қорақалпоғистон Республикаси билан Хоразм вилоятини Амударё орқали боғлайдиган йирик кўприк қурилиши бошланди. 2022 йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган мазкур кўприк қурилиши учун 2021 йилда республика бюджетидан 40 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратилиши кўзда тутилган.



2 >



## МУНОСАБАТ

Жиззах вилояти

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини тинглар эканман, барча юртдошларимиз қатори мен ҳам юк-сак ғурур ва ифтихор тўйдим. Ҳар бир соҳада беқиёс ислохотлар амалга оширилиши, имтиёз ва имкониятлар яратилиши ҳам қувончимизга қувонч, ҳам масъулият ҳисларини жўштирди.

### БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ...

Маълумотида узоқни кўзлаб олиб борилган оқилонга сиёсат натижа-сида пандемия ҳукм сурган оғир ва синовли йилда ҳам улкан ислохотлар амалга оширилгани шу жонажон юртнинг бир фарзанди сифатида мени ҳам тўлқинлантириб юборди.

Айниқса, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси бошчилигида жойларда уйма-уй юриб, 6 миллиондан ортиқ хотин-қизларнинг муаммолари ўрганилгани, уларни қийнаётган кўп-кўп ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечим топаётгани, аёлларга муносиб шароит яратиб бериш учун барча имкониятлар ишга солиниши ҳақидаги сўзлари янгидан-янги ташаббусларга чорлагандек бўлди.

Жамиятда ўқитувчи нуфузи ва обрўсини ошириш борасидаги ишлар келгуси йилда ҳам изчил-

лик билан давом эттирилиши, она ва бола соғлиғига эътибор кучайтирилиши, хусусан, олий таълим муассасаларига киришда грант квоталари 25 фоизга оширилиши тарихий воқеликка айланди.

Олий таълим муассасаларига қабул қилишда эҳтижманд оилалар қизлари учун грантлар сони 2 бараварга кўтарилди, 2000 тага етказилиши, аъло баҳода ўқиётган ижтимоий Ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилиши, хусусий олий-гоҳларга мутахассислар тайёрлаш учун давлат бунёдоти берилиши илм-фан ва таълим ривожига қаратилган юксак эътиборнинг яна бир бор амалий ифодасидир.

Мурожаатномани чуқур ўрганиш ва амалда татбиқ қилиш келгуси фаолиятимиз ривожига янги роль ўйнайди. Қолаверса, тизимдаги кенг кўламли ўзгаришлар, янги-янги имкониятлар бар-

чамизга куч-қувват ва илҳом бағишлайди. Халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича кенг кўламли ижтимоий ислохотларни давом эттириш, бунинг учун, биринчи навбатда, ижтимоий Ҳимояни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилганига касабаси уюшмаларига янада масъулиятли вазифалар юклайди.

Мурожаатномада ҳар бир соҳада кечиктириб бўлмайдиган қатор вазифалар белгилаб берилди. Уларни амалга ошириш биз, касабаси уюшма фаоллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бу йилда Президентимиз атрофида жипслашиб, албатта, бир ёқадан бош чиқариб иш олиб борамиз.

Аъзам ИХТИЁРОВ,

Жиззах вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари

Самарқанд вилояти

Қарийб қирқ йилдирки, тиббиёт соҳасида меҳнат қиламан. Олийгоҳни тамомлаб, тўғри ўзим туғилиб ўсган қишлоққа йўл олганман. Шундай бир даврлар бўлдики, ҳамқишлоқларга даъват қилиб ҳудудда врачлик пунктини қурдик, таъмирладик. Сув қувури тортиб, манзил-гўшамизни озгина бўлса-да, обод қилишга интилдик.

### ЁНИБ ИШЛАГАНГА НЕ ЕТСИН!

Юзага келган шароитдан келиб чиқиб, бир неча ўн йиллар мобайнида, мутахассис камёблиги боис иккита маҳаллада жойлашган қишлоқ врачлик пункти фаолиятини юргазшимга тўғри келган. Иккала ишонамнинг оралиғи ўн километрдан ортиқ эканлиги ўзига яраша қийинчиликлар ҳам туғдирган. Ишга муттасил пиёда қатнардим. Ҳозирги кунда ҳам бу ҳудудларда яшовчи барча ёш-у қарини қандай дардга чалинганидан бошлаб, қайси касалга мойиллигига, оилавий шароитига қўшимчи юмиб айтиб бера олам.

Тан олиш керак, қишлоқда

ишлаш осон эмас. Ҳамин-қадар шароитга ҳар ким дош беролмайди. Бундан беш йил олдин ҳам «Тез ёрдам» фақат марказларга хизмат қиларди. Айни чоғда ҳар бир қишлоқ аҳли бу хизматдан эмин-эркин фойдаланмоқда.

Тиббиёт соҳасини ривожлантиришнинг янги босқичи айнан қишлоқ шифокорларига қаратилгани бизни қувонтирди. Энди қишлоқда ишлайман, деган мутахассисга уй ҳам, мўмай пўл ҳам бериладиган бўлди. Давлатимиз қишлоқ аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашни юқори даражага чиқаришга астойдил уринапти.

Ҳали-ҳануз қишлоқ тиббиёт муассасасида ишловчи ўрта бўғин ходимларнинг ижтимоий аҳоли яхши эмас. Уларнинг аксари ярим ставкали ойлик маош билан ишлайди. Даромади ярим миллионга етмаётган бу ихтисос эгаларининг маъқеи ҳам, обрў-эътибори ҳам оширилмаган бўлди. Шундай эътибор, ғамхўрликдан сўнг ёниб ишламасак бўлмайди.

Иноят АРАКАЕВ,

Қўшробот туманидаги Қовунчи қишлоқ врачлик пункти мудири, «Соғлом авлод учун» ордени, «Шўхрат» медали соҳиби

Бухоро вилояти

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йилга «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб ном бериш таклифи киритилди. Бу таклиф барча Ўзбекистон ёшлари қатори мени ҳам чексиз руҳлантириб, янги марралар сари олға қадам ташлашимга туртки бергандек бўлди. Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида кўп-кўп соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тилга олинди, 2021 йилда илм-фан соҳасини ривожлантириш йўлида қилинадиган ишлар алоҳида қайд этилди.

### БАРЧА ИШЛАРДА КАМАРБАСТА БЎЛАМИЗ

Келгуси йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингга етказилади ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилади. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилади.

Илғор халқаро амалиёт асосида, доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даражалар

рени бериш ваколати ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилади.

Келгуси йилда «Физика» ва «Чет тиллари» ўқитишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Бу таклиф ва вазифалар халқимизнинг, биз ёшларнинг келажагимизни ўйлаб режалаштириётган муҳим масалалар эканлигини тўғри англаб

барча талаба ёшларни юрт равнақи йўлида, олиб борилган одилона сиёсатни амалга ошириш учун камарбаста бўлиб хизматга отланишга даъват этаман.

Мухриддин ЁҚУБОВ,

Бухоро муҳандислик-технология институти «Тўқимачилик ва чарм саноат» факультети талабалар касабаси уюшма раиси, Бунёднинг стипендиаси совридор.



## ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ

1 Санаторийнинг очиш маросими бошланди.

Тадбирда Олий Мажлис палаталари депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, Тошкент шаҳар ва Юнусобод тумани ҳокимлари, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирлари, қатор ташкилотлар раҳбарлари, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тармоқ касабаси уюшмалари кенгашлари, ҳудудий бирлашмалари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари, касабаси уюшма фаоллари иштирок этди.

Маросимни Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов очиб, иштирокчиларни Янги йил ва бу йилдан иш бошлаган ушбу санаторий билан қутлади.

ЙИЛ НОМИГА ҲАМОҲАНГ

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили. Бу ташаббусда, йилга шундай ном берилишда улкан маъно бор. Зеро, биз ўтган 2020 йилда синовли даврларни, ташвишли

дамларни бошдан кечирдик. Айниқса, коронавирус пандемияси бошимизга кўп ташвишларни солди.

Шундай вазиятда давлатимиз раҳбарининг оқилонга сиёсати сабаб талафотлар кам бўлди. Бугунгидек барқарор эпидемиологик вазиятга эришилди. Муҳими, пандемиянинг энг оғир асорати – иқтисодий таназзулга ҳам йўл қўйилмади.

Ўтган йилда юртимизда бунёдкорлик ишлари тўхтамади. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тизимида ҳам бунёдкорликлар давом эттирилди. 2020 йилнинг май ойида Сурхондарё вилоятида «Хўжайпоқ» санаторийси, июнь ойида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида «Оқ кема» болалар оромгоҳи каби йирик объектлар ишга туширилди.

Бугун ана шу ишларнинг мантиқий давоми бўлган яна бири муҳташам ишоот «Чинобод плаза» санаторийси ҳам фаолият бошламоқда.

Тадбирда сўнгги йилнинг захматқорлигини Янги йил соғлиғи билан алоҳида таъ-

кидланди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилининг илк қадами айна шу мақсадга йўғрилган бинонинг очилиши билан бошланганида ҳам ўзгача ҳикмат борлиги қайд этилди.

ЭЗГУ ҲОЯЛАР РЎЁБИ

– Бугун пок ниятлар билан Ўзбекистондаги яна бир эзгулик қошонасини ишга туширмақдамиз, – деди Қудратилла Рафиқов. – Юртимизда бу дам олиш масканининг бошқа аналоглари, яъни ўхшаши йўқ. Ундаги тиббий муолажалардан тортиб, хизмат кўрсатиш таркиби, тизими ҳам бутунлай янги ҳарактерга олиб чиқилган. Давлатимиз раҳбарининг ўқитувчи ва мураббийлар қуни муносабати билан ўтказилган йиғилишда берган топшириқларига биноан ушбу янги санаторийнинг биринчи дам олувчилари халқимизнинг энг ҳурматли вакиллари – устоз ва мураббийлар, илм-фан, маданият соҳаларида узоқ йиллар она юртимизга сидқидилдан ҳалол меҳнат қилиб келган, келаятган инсонлар бўлишяпти.



## Аср кўпригига



1 Амударё тумани ҳудудидан ўтадиган кўприк ўрнида ҳозирда понтон кўприги хизматидан фойдаланилмоқда. 1938 йилда қурилган ушбу кўприк айна пайтда анчайин яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Айнан шу боисдан ҳам Амударё тумани бошқа ҳудудлардан транспорт ҳаракати бўйича ажралиб қолган. Бу эса туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, туманга керакли бўлган халқ хўжалиги юкларини ташини ҳамда ушбу ҳудуддан маҳсулот экспорт қилиниши учун 160 километр масофага қўшимча юришга тўғри келади. Сабаби, понтон кўприк орқали 10 тоннадан оғир юкларни олиб ўтиш ўта хавфли. Сув тошқини пайтларда кўприк ёпиб қўйилади. Бундай пайт-

ларда 200 мингга яқин аҳолиси бор туманининг бошқа ҳудудлар билан алоқасида узилишлар тез-тез содир бўлиб туради. Масалан, Манғитдан Нукусга бориш учун 200 километр ортиқча йўл босиш керак бўлади.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ раиси Ҳ.Ҳосиловнинг таъкидлашича, Амударё устидан Қорақалпоғистон Республикаси билан Хоразм вилоятини боғлайдиган кўприк ишга тушса, юкларнинг йиллик самарадорлиги 150 миллиард сўмга яқинлашади, бу эса шунча харажатлар иқтисод қилинади, демакдир.

Янги кўприк Россия ва Қозғоғистондан юкларни ташини масофасини 240 километрга, юкларни ташини вақтини эса 6 соатга қисқартиради. Шундай қилиб, юк ташини ҳажми икки баравар кўпаяди ва йилига 25 миллион тонна ташкил этади. Бун-





# ГЎЗАЛ МАСКАН...

Бугун юз нафардан ортиқ ана шундай азиз инсонларни тақдир этдик. Сўзга чиққанлар «Чинобод плаза» санаторийси дастлаб ўз эшикларини устоз ва мураббийларга очгани Президентимиз томонидан илгари сурилган «Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак» деган эзгу ғояга ҳамоҳанг бўлганини таъкидлашди.

Тадбирда йил давомида 13 минг 500 нафар педагог дам олдирилиб, соғлиги тикланиши айтиб ўтилди.

Мухтасар айтганда, мазкур шифо масканидаги шароитни тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Турғун Азларов биттагина жумла билан ифодалади: «Гап йўқ!» Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирождин Сайид санаторий кутубхонасига бир неча номдаги китобларни топширди.


**ТАЛАБЛАРГА ТЎЛИҚ ЖАВОБ БERAДИ**  
«Чинобод плаза» санаторийсини қуриш ишлари 2018

йилнинг иккинчи чорагида бошланиб, 2020 йилда тўлиқ тугатилди. 144 ўринли ётоқхона ва даволаш биноси, йилга 4500 кишини соғломлаштириш қувватига эга. Қурилиш ва ободонаштириш ишлари ҳамда муҳандислик иншоотларини барпо этиш учун 72 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Сиҳатгоҳ ошқозон-ичак йўли касалликлари, юрак-томир, эндокрин ва асаб тизими билан оғриган дам олувчилар учун тиббий реабилитация хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган.

Денгиз сатҳидан 450 метр баландликда жойлашган масканда даволаш муолажалари табиий, иқлимий ва физиотерапевтик усуллардан комплекс равишда фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Санаторий энг замонавий диагностика даволаш ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, даволанувчиларга махсус тайёргарликдан ўтган 113 нафар юқори малакали мутахассис хизмат кўрсатади. Юртимизда ушбу касаллик-



ларни даволашга йўналтирилган биргина «Чинобод» санаторийси аҳолининг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини қондира олмай қолган эди.

## ХАЙРАТ ВА ХАВАС ИЛА...

Тадбирда йиғилганлар санаторийда қилинган ишлар, яратилган шароитларни ўз кўзи билан кўришди. Даволаш хоналари, қишқи боғ, мажлислар зали, бассейн, 5 Д кинотеатр... Ҳашаматли ва дид билан безатилган плазада меҳмонлар учун профессионал пазандалар

томонидан тайёрланган парҳез таомлар тортилса, юксак дид билан жиҳозланган хоналарда меҳмонларнинг мириқиб дам олиши учун барча қулайликлар муҳайё қилинган. Умуман, яратилган шароитлар барчанинг ҳайрат ва ҳавасини келтирди. Кўпчиликнинг ё ота-онаси ёки бирор яқини ҳеч бўлмаса, ўзининг ушбу масканда мириқиб ҳордиқ чиқариб, соғлигини тиклашни кўнглидан ўтказгани бор гап.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,  
«ISHONCH»



Саломатлик Абдураҳмонов ва Оқил ҒУЛОМОВ (ўзга) олган суратлар.

# Тамал

дан ташқари, Қорақалпоғистон Республикасидан Хоразм вилоятига инерт материалларни етказиб бериш харажатлари камайдя, шу тариха ижтимоий объектлар ва инфратузилмаларни қуриш харажатларида ҳам ижобийликка эришилади.

Янги кўприк устидан нафақат автомобиль, балки темир йўллари ҳам ўтади. Қўшма (автомобиль ва темир йўллари) кўприкнинг умумий узунлиги 413 метр, баландлиги 11,25 метр, кенглиги 8,5 метр бўлиб, Шовот станциясидан Қипчоқ станциясигача бўлган темир йўлнинг тахминий узунлиги 79 километрни ташкил этади.

Лойиҳа «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари ва жалб қилинган кредит ресурслари ҳисобидан амалга оширилади. Кўприк қурилиши «Ўзбекистон темир

йўллари» акциядорлик жамияти таркибига кирувчи «Кўприккурилиш трести» унитар корхонаси томонидан амалга оширилади. Лойиҳага Россиянинг кўприк қуриш бўйича етакчи компаниялари ҳам жалб қилинмоқда.

Амударё узра бўлажак кўприкнинг металл конструкциялари хорижлик ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда кўприкка ишлатиладиган махсус пўлатдан тайёрланади.

«Мостстройиндустрия» АЖ филиали (Россия) директори Илья Юриннинг сўзларига кўра, дунёда бу каби кўприклар саноқли давлатлардагина мавжуд. Ўзбекистон аҳолиси янги технология асосида бунёд этилажак бундай муҳандислик иншоотидан фахрланса арзийди.

Есимхон ҚАНОАТОВ,  
«ISHONCH»



## Дил сўзлари

### ПЕДАГОГ ОБРЎСИНИ ОШИРИШ РЕЖАСИ ҚУРУҚ ГАП ЭМАС

Шерзод ШЕРМАТОВ,  
Халқ таълими вазири:

– 2020 йил Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар байрамида «Жамиятда энг обрўли зот муаллим бўлиши керак!» деган ғояни илгари сурганди. Бугун янги дам олиш масканининг очилиши ва бу ерда илк бор 80 нафар ютуққа эришган ва ўрнатилган педагогларнинг дам олиши ташкиллаштирилгани ҳам ана шу гапларнинг қуруқ гап эмаслигини яна бир

бор амалда исботлади. Йил давомида 13,5 минг нафар педагогларнинг бепул дам олиши режалаштирилган. Бу ҳам уларнинг нуфузини оширишга, ўз касбидан рози бўлиб яшашига катта тўртки бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, Президентимиз ташаббусини амалга оширишда бош-қош бўлган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига ва барча қурувчиларга устозларимиз номидан ўз миннатдорчилигини билдираман.



### КУТИЛМАГАН СОВҒА БЎЛДИ



Раҳима САНАЕВА,  
Самарқанд шаҳридаги  
49-мактаб ўқитувчиси:

– Кўп йиллардан буён ўқувчиларим кимё фанидан олимпиадаларнинг туман ва вилоят босқичида совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Мактабни тугатиб, тиббиёт институтига талабалikka қабул қилинган шогирдларим сафи ҳам анча кенгайиб қолди. Меҳнатларим муносиб баҳоланиб, ўйил «Меҳнат шухрати» ордени

билан тақдирландим. Янги йил арафасида «Сизга дам олишга йўланма бор» деб туман халқ таълими бўлимидан кўнгирик қилишганида, тўғриси, бундай юксак даражада қуриб битказилган янги сиҳатгоҳга бораётганимни билмагандим.

Мана, келдик, кўрдик, қувончимизнинг чеки йўқ. Ҳамкасбаримиз билан бу ерда ҳам дам оляпмиз, ҳам ўзаро суҳбатлар асноси таъриба алмашяпмиз.

### БОШИМИЗ КЎККА ЕТДИ

Ойбек ХЎЖАБОВЕВ,  
Тахтатош туманидаги  
17-мактаб ўқитувчиси:

– «Яхши дам – меҳнатга ҳамдам» дейди доно хаққимиз. Бу йилги қишқи таътил мен учун эсда қоларли ва катта таассуротларга бой бўлмоқда. Аввало, биз педагогларга эътибор қаратиб, янги қурилган – «Чинобод плаза» дам олиш санаторийсига энг биринчилардан бўлиб тақдир этилганимиздан бошимиз кўкка

етди. Ўқувчиларим Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган фан олимпиадаларида муваффақиятларга эришиб келмоқда, 2019 йилда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик танловида биология фани йўналишида ғолиб бўлганман.

Бугунги эътибордан руҳланиб, бундан кейин ҳам яхши натижаларга эришиш учун куч ва меҳнатимни аямайман.



### ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ...



Иброҳон ҚУТЛИБЕВА,  
Урганч туманидаги 1-умумтаълим  
мактаби ўқитувчиси:

– 25 йилдан буён мактабда математикадан дарс бераман. Ҳар йили ўқувчиларим вилоят ва республика танловларида фахрли ўринларни олишди. Эртага ҳам шогирдим фан олимпиадасининг вилоят босқичида иштирок этади, унга йўл-йўриқ кўрсатиб, ҳозиргина телефонда кўнгироқлашиб олгандим.

Тўғриси айтсам, бугун қалбимда устозлик касбини танлаганимдан ўзгача фахр ҳиссини туйдим. Иш билан бўлиб, яқин орада санаторийга бориб дам олмагандим. Мана насиб қилган экан, айнан соғлиғим учун зарур маскандаман. Сабаби, ўт қолимида сурункали холицистим бор.

Кеча-бугун барча текширувлардан ўтдик. Шифокорлар натижаларга қараб муолажа ёзиб берди. Насиб бўлса, эртадан муолажаларимиз бошланади. Бу кўрсатилаётган эътибор кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўйиши, шубҳасиз.

### ЎҚИТУВЧИ БЎЛГАНИМДАН ФАХРЛАНДИМ

Облаёр ҲУНОВ,  
Ёзёнов туманидаги 12-умумтаълим  
мактаби директори:

– Бир замонлар боши мажбурийликдан ортмайдиغان ўқитувчиларнинг обрў-эътибори, кадр-қиммати тикланиши кимнинг ҳаёлига келибди, дейсиз. Табиийки, бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Давлат раҳбарининг қатъияти ва иродаси туфайли бугун ўқитувчилар ортиқча қозғобозлиг-у мажбурий меҳнатдан озод этилди.

Сиҳатгоҳнинг очилиш маросимида Федерация раиси Қудратилла Рафиқов бир йил давомида 13 минг 500 нафар ўқитувчининг соғлиги тикланишини маълум қилгани, шахсан давлат раҳбари ушбу санаторийнинг биринчи миҳозлари ўқитувчилар бўлишини тайинлагани бу – эътибор, бу – ғамхўрлик!

Тасавур қиялтирма, шунча ўқитувчи бепул яйраб-яшнаб дам олади. Улар ичидан бу бахт бизга ҳам насиб қилганидан беҳад шодимиз. Бугун ўқитувчи бўлганимдан фахрландим!



### ЭРТАКЛАР ОЛАМИГА ТУШИБ ҚОЛДИММИ?



Гулолим САГИЕВА,  
Қонлиқул туманидаги  
21-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:

– Муболағга йўйманг-ку, ушбу санаторийда айни дамда ўзимни худди эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис қиялман. Шифокорлар, хизматчиларнинг бизга қилаётган муомаласи, самимий муносабатидан беҳад миннатдоримиз. Замонавий бинода яра-

тилган қулайликларни гапирмасам ҳам бўлади. Ҳатто, хоналардаги кичик деталларга ҳам аҳамият қаратишибди. Шинам, ёруғ ва кенг хоналар... Ахир, шу пайтга қадар бундай жойларни фақат хаёл қилардик. Мана, ўз кўзимиз билан кўриб, ундан баҳра олиш насиб қилди. Мураббийлар учун куйиб-пишаётган барча мутасаддиларга ташаккур!

### ТАЪРИФГА ТИЛ ОЖИЗ

Собира БОБОЕВА,  
Гулистон шаҳридаги  
27-ихтисослаштирилган мактаб  
ўқитувчиси:

– Қарийб 30 йилдан буён кимё-биология фанидан дарс бериб келаман. Шу кунгача шогирдларимдан етмишга яқини олий таълимига киришган бўлишди. Айни пайтда ҳам ўқувчиларим республика фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Меҳнатларим эса доимо қадрланган. «Халқ

таълими аълочилиси» кўкрак нишонини, «Шухрат» медали, 2020 йил эса «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирландим.

Бугун яна бир қадрни ҳис этмокдаман. «Чинобод плаза»да дам олиш насиб қилди. Устига-устак бепул. Бу ердаги шароитларни таърифлашга тил ожиз. Кейинги йилларда биз ўқитувчиларга яратилаётган имкониятлардан, мактабимиз юксак даражага кўтарилаётганидан бошим осмонга етди.







«ЭХТИРОМ»ГА МУНОСИБ БЎЛИШИМ КЕРАК!

Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг «Ташкилий ишлар» бўлими мудири Икром Юнусов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эхтиром» нишони билан тақдирланган эди.

Вилоят бирлашмасида мукофотни топириш маросими бўлиб ўтди. Юксак эътибордан қалбим қувончга тўлди, дейди «Эхтиром» нишони соҳиби Икром Юнусов.

амалга оширолмақда. Бу жараёнда иштирок этаётганимдан фахрланаман. Мукофот эса менга янада катта масъулият юклайди. Чунки «Эхтиром»га муносиб бўлишим керак.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»



ЎЗБЕКИСТОН САБОВА ВА АҚШГА ХХ АСРНИНГ 2-ЯРМИДА ҚИРИБ КЕЛГАН. БИР ҚАНЧА ОЛИМЛАР БУ УСУЛНИ ЁҚЛАБ, ЎЗ ДАВРИНИНГ МАКТАБЛАРИГА ИБРАТ ҚИЛИБ КЎРСАТИШГАН.

Муқимбой ИСМОИЛОВ «ISHONCH»

Тадбирнинг очирилишида меҳмонлар Халима Худойбердиеванинг ижодий ва меҳнат фаолияти, ўзбек шеърлигига қўшган ҳиссаси ҳақида сўзлашди. Ўқувчилар шоирнинг шеърларидан ёд ўқишди. Шунингдек, дастурга мувофиқ, ўқувчилар дарс ва тўгарак машғулотлари давомида олган билимларини йиғилганларга намойиш этди.

мактаб-интернатининг очирилишида меҳмонлар Халима Худойбердиеванинг ижодий ва меҳнат фаолияти, ўзбек шеърлигига қўшган ҳиссаси ҳақида сўзлашди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»



АЖДОДЛАР ЗАКОСИГА ТАСАННО!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Пайариқ тумани кенгаши ташаббуси билан мактабимизнинг 24 кишилиқ жамоаси қадимий ва навқирон шаҳар Бухорога саёҳат қилди.

Дастлаб тасаввуф оламининг буюқ вакиллари Абдуқолиқ Фихруллоев, Баҳоуддин Нақшбанд макбараларини зиёрат қилди. Бу қадимжоларга зиёрат барчамизда маънавий озуқа, куч-қувват бағишлади.

бир жиҳозни кўриб, аждодларимизнинг ақл-заковатига, салоҳиятига таҳсинлар айтдик.

Санобар ИСМОИЛОВА, Пайариқ туманидаги 74-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

АНТИПЕДАГОГИКА: ИЛМ САМАРАСИ ЖАЗОДАМИ?

Садриддин Айнийнинг «Эски мактаб» номи асарини ўқиган китобхоннинг юраги орқага тортиб кетади. Ундаги ўқувчиларни жазолаш саҳналаридан даҳшатга тушасиз.


РУҲИЙ ЖАРОҲАТ АСОРАТИ Аммо, бу усул фақат бир давр ёхуд бир ҳудуд тарихида муҳрланган вазият эмас, ҳозирги замонга қадар етиб келган йўналиш бўлиб, антипедагогика деб аталади.

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ҲАМ... Шунга қарамай замонавий жамиятимиздаги бир қанча мамлакатларда оғир жазолаш усуллари ҳамон қўлланилмоқда.

ҚОНУН ҲАМ ТАҚИҚЛАЙДИ «Давлат боланинг барча шаклларида камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради».

занжир билан урилади. Непалда фақат ўғил болалар мактабга боради, қизларга ўқиш тақиқланган.

Биласизми?



лади. Улар учун бу жазо жуда қаттиқ ҳисобланади.

КАЛТАК ТАРБИЯ ҚУРОЛИГА АЙЛАН... Қандай сабабларга кўра унга овозингизни баландатяпсиз, нима қилгани учун кўл кўтаряпсиз?

Дурдона АЛИМОВА тайёрлади

Эълонлар

«BEST REALTOR» МЧН НАВОЙ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ БОШЛАҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ҲАМОН САВДОЛАРИГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ!

1. Савдога «Qizilqumsement» акциядорлик жамияти билан 31.12.2020 йилда тузилган Ҳ/1690/20-сонли шартномага асосан, Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги Марказий дехқонazorи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони – 64,1 кв.м., умумий қурилиш майдони – 64,1 кв.м, умумий фойдаланиш майдони – 46,20 кв.м. бўлган Савдо павилиони бизнеси кўйилмоқда.

Тажрибали савдо кўнлари учун бюртмаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2021 йил 5 февраль соат 16:00.

Савдода қатнашиш учун бюртма билан биргаликда қўйилган тақдим этилади: – юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўзгаришлардан тўлов ҳужжатининг нусخаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган шончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган шончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўловининг тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси, Савдо қўлибга аукцион ўтказилган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида сотувчи билан олдинги шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Қўлиб харидорга олти-соти шартномаси тузилган кундан бошлаб келишилган мuddатда сотиб олиш тўловни тўлиқ амалга ошириш юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Капиталбанк» АТНинг Тошкент шаҳар филиали, х/р: 2020800500433601001. МФО: 00445, СТИР: 303179580) тўлашлари шарт.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдода қатнашиш учун бюртмалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказилгандаги маълум Навоий шаҳри, Жазорат кўчаси, 22-ўй ёни. Телефон: (+99897) 795-14.41, (+99897) 377-17-15. Расмий сайт: www.emul.uz, электрон почта: best.navoioy@inbox.uz.

Лицензия RR-0225.

Тошкент вилояти Чириқ давлат педагогика институти бошланғич касаба уюшма қўмитаси институтнинг «Информатика» кафедраси мудири Дилмурод Аҳмадҷоновга онаси Мухаббат АХМАДЖОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур тазия билдиради.

Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига Сарийосиё туманидаги 71-умумтаълим мактабидан бир гуруҳ ходимлар – Г.Мухаббатова, Н.Шарипова, Ш.Йўлдошева ва А.Назарова мурожаат қилиб, ўз аризаларида ишдан ноқонуний равишда бўшатилишини баён этган эди.

Буйруқ бекор қилинди

Мурожаат ўрганилганда, иш берувчи меҳнат шартномаларини бекор қилишда бир қатор хатоликларга йўл қўйгани аниқланди. Қолаверса, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин ҳодимларни бошқа иш билан таъминлаш чораларини кўрмаган ва оғоҳлантириш давомида уларга бошқа иш таклиф этмаган.

Иш берувчи ариза муаллифлари билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилишда ва буйруқни расмийлаштиришда амалдаги қонунчиликни бузгани сабабли унга буйруқларини бекор қилиб, ходимларни ўз вазифасига ишга тиклаб, мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақларини тўлаб берилиши ҳақида кўрсатма берилди.

Мактаб директорининг 2020 йил 15 декабрдаги А-131-сонли буйруғига асосан, Г.Мухаббатова, Н.Шарипова, Ш.Йўлдошева ва А.Назаровалар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ҳақидаги буйруқлар бекор қилинди, ўқитувчилар вазифаларига қайта тикланди, мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақларини тўлаб берилиши ҳисоб бўлимига юклатилди.

Зафар ХОЛОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти бўйича меҳнат-ҳуқуқ инспектори

Қорақалпоғистон Республикаси Табиат ва биз

Илмий манбаларда келтирилишича, XIX асрда Устюрт кенгликларига кўплаб учраган қўлонлар XX асрнинг 30-йилларига келиб бутунлай қирилиб кетган.

Аммо 2011-2014 йилларда Устюртнинг Қорақалпоғистон қисмида экспедиция олиб борган олимлар Қорақалпоғистоннинг Туркمانистон билан туташган шимоли-ғарбий чегарасида 9 та қўлондан иборат тўдани аниқлаб, расман қайд қилган эди.

Биология фанлари доктори, профессор Светлана Мамбетуллаеванинг таъкидлашича, Устюртнинг жану-би-шарқий тарафида қўлонлар борлиги аниқланган. Қўлонларнинг пайдо бўлишига сабаб қилиб, Туркманистон билан Ўзбекистон чегарасига аҳоли яшайдиган пунктларнинг олислиги, йўлнинг оғирлиги ва чегара

УСТЮРТДА ҚУЛОНЛАР БОРМИ?



режимининг янада кучайтирилиши келтирилади. Қўлонлар Туркманистондаги Қоплонқир кўриқ-хонасидан сув ичиш учун Сарикамиш кўлига келишар экан.

Афсуски, броконьерлар одам оёғи етиш мушкул бўлган жойларга ҳам чиқиб, «Қизил китоб»га киритилган ноёб ҳайвонларга ҳам қиргин келтиролмақда.

Яқинда бўлган воқеа бунга мисол: Мўйноқдан қайтиб келаётганда, Машинамизда бир киши чиқди. У Сарикамиш кўлига балик овига ке-

Муассис: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. ISSN 2010-5008. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шокосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулло ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҚАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Doverie» бўлиб), Мехридин ШУКУРОВ (Маъсул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69

Хуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрлар билан ишлаш – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгилликлари, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда маъна сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрирнинг нуктаи назаридан фэрқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: А. Абдурахмонов

Мусаҳҳихлар: С. Шодиева, З. Холмуҳаммедова, Д. Орипов

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдуқалилов

Босишга топириш вақти – 21:10

Топширилди – 00:40

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюртма Г – 106. 30020 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

Манзиллими: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқеди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shagʻ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТМБ «Ipotek bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130